



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Мавлонов Отабек Анварович,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада диний ва лингвистик тадқиқотларнинг ўзаро муносабатлари натижасида пайдо бўлган теолингвистика бўйича юртимизда олиб борилган изланишлар ҳақида атрофлича маълумот берилган. Теолингвистиканинг пайдо бўлиши, тилшуносликда бир йўналиш сифатида шаклланиши ва ривожланиб боришидан ташқари, муаллиф юртимизда олиб борилган бундай тадқиқотларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишига алоҳида эътибор қаратган.

Калит сўзлар: тил, дин, теолингвистика, диний тил, тафсир, Қуръони Карим, Ҳадис, изоҳ, талқин, луғатлар, мифология

Мавлонов Отабек Анварович,
Туринский политехнический университет в городе Ташкенте

ТЕОЛИНГВИСТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлен всесторонний обзор теолингвистики, возникшей в результате взаимодействия религиозных и лингвистических исследований. Помимо появления и развития теолингвистики как направления в языкознании, автор обращает внимание на то, что история таких исследований в нашей стране восходит к далекому прошлому.

Ключевые слова: язык, религия, теолингвистика, религиозный язык, тафсир, Коран, Хадис, интерпретация, комментарий, словарь, мифология

Мавлонov Otabek Anvarovich,
Turin Polytechnic University in Tashkent

THEOLINGUISTICS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article provides a comprehensive overview of theolinguistics that emerged from the reciprocal action of religious and linguistic research. In addition to the emergence and development of theolinguistics as a direction in linguistics, the author draws attention to the fact that the history of such research in our country goes back to the distant past.

Key words: Language, Religion, Theolinguistics, Religious Language, Tafseer, Quran, Hadith, Interpretation, Commentary, Dictionary, Mythology

Хар қандай жамиятнинг ривожланиши бевосита илм-фан тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Жамият ва халқнинг маънавий етукликка эришишида, маданий ҳаётида ва комил инсон тарбиясида тил ва диннинг ўрни беқиёсдир. Тил ва диннинг ўзаро боғлиқликлари, маданий аҳамияти ва уларнинг кишилар онгига таъсири кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўлиб келган. Асрлар мобайнида бошқа фанлар қатори тилшунослик ҳам ривожланиб омиллар асосида бойиб келмоқда. Мазкур омиллар лингвистикани яхлит фан сифатида тадқиқ этиш ва бўлажак тил мутахассисларига етказиш учун мураккаб жараён даражасига олиб келди ва асосан, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб уни соҳаларга ажратган ҳолда ўрганиш зарурияти пайдо бўлди. Тилшуносликнинг ҳозирги кундаги энг муҳим йўналишларидан бири теолингвистика бўлиб, мазкур мақолада унинг пайдо бўлиши, аҳамияти ва юртимизда бу борада нима ишлар қилинганлиги ҳақида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Теолингвистика ҳақида маълумотга эга бўлмоқчи бўлган инсонлар ҳозирги кунда ахборот олиш ва унинг устида ишлашнинг энг қулай йўли ҳисобланган интернетга мурожаат қилиши табиий ҳолдир. Кўпчилик орасида оммабоп ҳисобланган Google, Yahoo, Yandex ва шу каби бир қанча қидириш тизимлари орқали тилшуносликнинг бу соҳаси ҳақида маълумот қидирилса, ўзбек тилида деярли маълумот учрамайди. Жаҳоннинг энг йирик илмий ахборотларни таҳлил этиш билан шуғулланувчи нашриёт уйларида бири Elsevier компаниясининг ScienceDirect номли маълумотлар базасида ҳам айнан теолингвистика бўйича мақола ёки китоб мавжуд эмас. Юртимиз аҳолисининг кўпчилиги хабардор бўлган рус ва инглиз тилларидаги маълумотларнинг аксарияти илмий мақолаларда ёки илмий манбаларнинг маълум бир қисмида қисқача ўрин олган. Демак, интернетдаги теолингвистика ҳақидаги маълумотларнинг деярли барчаси соҳа мутахассислари учун бўлиб, тилшуносликдан хабари бўлмаган ёки терминлар бўйича билими чегараланган инсонлар учун эса маълумот топилмайди деса муболоға бўлмайди.

Шу ўринда, мутахассис бўлмаганлар учун бу соҳа билан танишишнинг нима зарурияти борлиги ҳақида кўпчиликда ҳақли савол туғилиши мумкин. Ҳозирги кунда дунёнинг турли жойларида содир бўлган ва давом этиб келаётган аксарият низоларнинг илдизлари диний омилларга бориб тақалади. Диний масалалар туфайли содир бўлаётган низолар муқаддас манбаларда келтирилган таълимотларни нотўғри тушуниш ёки низоли тарафлар томонидан турлича талқин этилиши оқибатида юзага келмоқда. Шундай экан, диний манбаларнинг ўзига хос услубияти, талқини ва бошқа манбалардан фарқли жиҳатларини филологик нуқтаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ҳар қандай тил бирликларининг асл моҳиятини лексик ва семантик жиҳатдан чуқур таҳлил этмасдан англаш амри маҳолдир.

Бевосита теолингвистика сўзининг маъносига эътибор қаратадиган бўлсак,

унинг шаклидан маълумки, кўплаб бошқа лингвистик фанларнинг номлари қатори у ҳам икки қисмдан иборат "теология" ёки аксарият европа тилларига хос бўлган "тео-" олд кўшимчаси (префикс, префиксоид, кўшма сўзнинг биринчи қисми) ва "лингвистика" сўзларидан иборат. Ўз навбатида "тео-" юнон тилидаги *theos* сўзидан олинган бўлиб "худо" деган маънони беради ва лингвистика эса тил ҳақидаги фанни билдиради. Демак, теолингвистикага диний манбалар, таълимотлар, муқаддас китоблар ва уларга ёзилган тафсир ва изоҳларнинг лингвистик жиҳатдан ўзига хосликлари, услубияти ва фарқларини ўрганувчи тилшуносликнинг бир тармоғи дея таъриф берсак бўлади. Бошқа тиллардаги изоҳли луғатларда хоҳ у китоб шаклида бўлсин, хоҳ у онлайн шаклида бўлсин уларнинг барчасида "диний тилни ўрганиш" тарзида берилган.

Аслида, мазкур термин биринчи бўлиб белгиялик лингвист Жан Пьер ван Ноппен (Jean Pierre van Norpen) томонидан 1981 йилда қўлланилган ва айнан у кўпчилик томонидан теолингвистиканинг "отаси" сифатида эътироф этилган. 1995 йилга келибгина англиялик лингвист Дэвид Кристал (David Crystal) ўзи тузган энциклопедик луғатга лингвистик термин сифатида киритган [10]. Ноппен ўзи биринчи бор ишлатган бу терминга маълум қизиқишлар доирасида инсоният тилининг ривожланиши, унинг барча ифода воситаларини ўз ичига қамраб олган, узоқ ва бой тарихга эга бўлган фан сифатида изоҳ берган. Бу инсон томонидан Худони англашнинг тил ва унинг бирликларини тадқиқ этиш воситасидаги саъй-ҳаракатларнинг инъикосидир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, диний манбалардаги матнларнинг турлича талқин этилиши оқибатида динлар ичида турли тоифаларга бўлинишлар юз берди ва диний муассасалар бу масалага чуқурроқ ёндашиш кераклиги борасида тўхтамга келдилар. Аввалида, диний манбаларнинг ўзига хос тили илоҳиётчилар ва файласуфларнинг у қадар эътиборини тортмаган. Диний дискурс ва унга боғлиқ масалалар борасида мунозара ва баҳсларнинг кўпайиб бориши натижасида лингвистлар, антропологлар, социолог ва психологлар ҳам муаммонинг ечимини топишга жалб этилганлар. Ж.П. Ноппеннинг таъкидлашича, "кейинчалик инқилоб дея баҳоланган диний тилга бўлган қизиқиш, диннинг фундаментал ва илоҳиётда кўп йиллардан бери давом этиб келаётган муаммоларга нафақат ижобий (бир тарафлама), балки жуда кўплаб самарали изланишлар олиб борилишига сабаб бўлди.[11]"

Лингвистиканинг мазкур соҳаси бўйича тадқиқот олиб бормоқчи бўлган ҳар қандай мутахассис А.К. Гадомскийнинг ҳам бу борада қилган салмоқли ишларига мурожаат этмасдан иложи йўқ. Ҳаттоки, баъзилар уни Россия Федерациясида теолингвистиканинг асосчиси сифатида тан оладилар, унинг амалга оширган катта кўламдаги ишлари рус теолингвистикасининг ривож топишида асосий рол ўйнаган. Унинг фикрига кўра "дин ва тилнинг ўзаро муносабати натижасида пайдо бўлган, тилларда акс этган диний сўз ва терминлар ва уларнинг кенг ва тор доирадаги маъноларини ўрганувчи фан"дир [4,164-167с]. Бироқ, унинг аввалроқ чоп этилган мақолаларида терминга биров бошқачароқ изоҳ берилган. Теолингвистика бу дин ва тилнинг ўзаро кесишиши натижасида пайдо бўлган, диннинг тилда ўз аксини топган ва унинг намоён бўлишини тадқиқ этувчи фан [5,287-292с] эканлиги таъкидланган. Бундан келиб чиқадики, Гадомскийнинг теолингвистикага берган таърифи ўзгариб бормаган, балки унинг кенгроқ тушунча эканлиги туфайли ўз фикрини тўлдириб изоҳлаб борган.

Теолингвистика термини қўлланилгунга қадар тилшуносликда дин, диний

маросимлар, унга боғлиқ бўлган урф-одатлар ва тилларнинг ўзаро муносабатларини ва боғлиқликларини англлатувчи "диний тил", "дин тили", "сақрал тил[9]", "диний-маърифий услуб", "конфессионал тил", "муқаддас тил" ва шу каби бир қанча сўз ва иборалар қўлланилган. Кўриниб турибдики, юқоридаги сўзлар бир-бирига синоним ҳисобланмайди, балки бир лексик гуруҳдаги терминлардир. Бу сўз ва ибораларнинг теоллингвистика термини илк бор қўлланилганидан кейин ҳам тилшуносликка оид манбаларда ҳозирги вақтга қадар ҳам қўлланилиб келинмоқда. Чунки, баъзи лингвистлар теоллингвистика деган терминни қўллашни маъқул кўрмасалар, яна бошқалари бу фақатгина тилнинг функционал элементларидан бири деб ҳисоблайдилар.

В.И Постовалованинг фикрига кўра тилни инсон борлигининг (ижтимоий ҳаёт) ажралмас қисми бўлган дунёни англаш, маданият ва дин каби фундаментал жабҳалари билан биргаликда комплекс ўрганилиши натижасида "синтетик" фанлар юзага келади. Ҳозирги кунда тилшуносликда жадаллик билан ривожланаётган социоллингвистика, этнолингвистика, лингвокультурология, психоллингвистика, когнитив лингвистика ва айнан маълум шахсларнинг ўзига хос тилини ўрганувчи лингвоперсонология йўналишлари юқоридаги фикрга мисол бўлади.

Булар қаторига илоҳиёт, диний антропология ва лингвистикани ўзаро боғланган ҳолда тадқиқ этиш натижасида янги шаклланиб келаётган ана шундай синтетик диний-лисоний фан - теоллингвистикани ҳам қўшиш мумкин. У мазкур терминга тил ва диннинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсирини тадқиқ этувчи лингвистиканинг бир йўналиши дея таъриф берган [8,56-103].

Теоллингвистиканинг таърифи ва изоҳи бўйича бу борада салмоқли ишлар олиб борган баъзи тилшунос-олимларнинг фикрларини ўрганиб чиқдик. Аслида, бундай мутахассислар жуда кўп бўлмаса-да, аммо етарлича топилади. Уларнинг олиб борган ишлари бўйича кейинги мақолаларда атрофлича маълумот беришга ҳаракат қиламиз, чунки бу ишимиздан асосий мақсад бу борада юртимизда қандай ишлар қилинганлиги ва ҳозирги ҳолатини ёритиб беришдан иборат.

Лингвистиканинг мазкур йўналиши бўйича юртимизда қандай ишлар олиб борилганлигини аниқлаш учун, аввало, аҳолининг аксарияти эътиқод қилувчи ислом динининг мамлакатнинг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрнини таъкидлашнинг ўзи кифоя қилади. Ислом динининг икки энг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларни ўрганиш энг аввало, диний уламо ва мутахассислардан тилнинг ҳассос унсурларини билишни талаб қилади. Ўз она тилидан ташқари иккала муқаддас манбанинг асл тили ҳисобланган араб тилини мукамал билишлик, сўзларни лексик ва семантик жиҳатдан тўғри таҳлил қила олишлик, ислом тарихидан бохабар бўлишлик, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билишлик ва бошқа бир қанча қатъий талаблар қўйилган. Қуръони Каримни кенгроқ англаш ва Ажамга (Араб бўлмаган халқлар) маъносини етказиш мақсадида исломнинг илк даврларида уни олимлар томонидан изоҳлаб баён қилиб бериш учун тафсир илми йўлга қўйилади.

Диний манбаларни ўрганиш бўйича икки йўналиш тафсир ва ҳадисни жамлаш бўйича ватанимиздан етишиб чиққан етук олимлар ўз соҳалари бўйича дунёга устозлик қилиш даражасигача чиқдилар. Тафсир илмида Имом Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий, Имом Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Имом Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий, Имом Фаҳриддин ар-Розий ва Имом Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафийлар юксак

мартабаларга эришган бўлсалар, ҳадис илмида энг ишочли деб тан олинган олтига жамланманинг ("Сиҳоҳи ситта") учтаси Мавароуннаҳрдан етишиб чиққан Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ва Имом Аҳмад ибн Шуъайб Хуросоний Насайларга тегишли. Нега ислом тарихининг илк даврларига қайтиб юртимиздан етишиб чиққан забардаст олимларни тилга олдик?! Россияда теоллингвистика бўйича тадқиқот юритиб келаётган А.К. Гадомскийнинг фикрича рус ўлкасида теоллингвистика билан ҳар доим шуғулланилганлиги, инқилобдан аввал ҳам, собиқ Шўро даврида ҳам, айниқса, 1915 йилда Инжилнинг юнон тилидан рус тилига таржима қилинишида черков ҳодимлари ва филологларнинг ҳамкорликлари ҳақида фикр юритилган. Шундай экан, юртимизда мазкур йўналишда олиб борилган ишлар узоқ ўтмишга бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган даражада асослидир. Зеро, юқорида исми зикр этилган олимларнинг ишлари шу кунгача сақланиб қолган ва фойдаланиб келинмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, улар ишларини айнан тил мутахассислари билан ҳамкорликда эмас, балки фақтгина ўзлари бажарган, чунки у даврларда таълим даргоҳларида барча фанлар бирдек ўқитилган, муассасаларнинг баъзи етакчи талабалари энциклопедик олим даражасига ҳам кўтарилишган. Масалан юқорида исми зикр этилган Имом Фаҳриддин ар-Розий табиблиги билан ҳам машҳур бўлган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, бошқа соҳалар қатори илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ҳам тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар очилди. Хусусан, диний манбаларни бир ёқлама эмас, балки чуқурроқ ва холис ўрганиш учун ҳам янги шароитлар яратилди. Юқорида таъкидилаб ўтилганидек, юртимиз муқаддас Қуръон Карим тафсири, Калом илми ва ҳадис бўйича ислом оламида хурматли бўлган кўплаб забардаст олимларнинг ватанидир. Истиқлол йилларида ҳам тафсир илми бўйича амалга оширилган бир қанча ишларни санаб ўтиш мумкин. Шайх Алоуддин Мансурнинг Қуръони Карим-ўзбекча изоҳли таржимаси бу борада қилинган ишларнинг дастлабкисидир. Ҳозирги кунда юртдошларимиз орасида энг оммабопи ҳисобланган ва қайта-қайта нашр этилаётган тафсир - Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг қаламларига мансуб 6 жилдлик "Тафсири Ҳилол"дир. Бундан ташқари, Шайх Абдулазиз Мансурнинг "Қуръони Карим маънолар таржимаси" китоби ҳамда, 2019 йилда нашр қилинган Шайх Усмонхон Темурхоннинг 6 жилдлик "Тафсири Ирфон" тафсир китоблари шундай асарлар сирасига киради.

Ҳозирги кунда тил ва диннинг ўзаро муносабатлари, боғлиқликлар, бир-бирига таъсири ва диний терминларга бағишлаб тузилган луғатлар бўйича Ўзбекистонда амалга оширилган ишларнинг баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Айнан теоллингвистика номи остида изланишлар олиб борган М.Р. Галиевани келтириш мумкин. Унинг ўзбекистонлик олимлар орасида биринчилардан бўлиб бу йўналишни тадқиқ этиши натижасида ўзбек тилшунослиги тарихида ҳам кўп асрлардан бери мавжуд бўлиб келган, лекин тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида қайд этилмаган теоллингвистиканинг бизнинг юртимизда ҳам тадқиқ этилиши бошланди. Ваҳоланки, диний терминлар бўйича луғатлар тузиш, уларни тўлдириб бориш, дин ва тилнинг ўзаро муносабатлари бўйича изланишлар ундан аввал ҳам қилиниб келинган. Биз иштирок этган 2011 йилда Д. Раҳимжонов бошчилигида чоп этирилган Инглизча-ўзбекча диний-ижтимоий истилоҳлар луғатини шулар жумласига киритиш мумкин.

М.Р Галиева ўз илмий асарларида мазкур терминнинг турли олимлар томонидан ёритилиб бориши ва тадқиқ этиб борилиши натижасида унинг моҳияти турлича талқин қилинганлигини таъкидлаб ўтган. Масалан, славян тилшунослигида теоллингвистик тадқиқотлардан асосан диний услуб ва жанрлар, диний матнларнинг ўзига хосликлари ва диний китобларнинг таржимасидаги муаммолар тушуниланган. Немис, англо-америка теоллингвистикасида эса диний дискурснинг маърифий мавзуларни ёритишда ва маълум контекстда қўлланилишидаги прагматик хусусиятларини ўрганиш тушунилса, Москва теоллингвистик мактаби эътиборини тил ва диний (православ-насоний) фалсафа ва дунёқараш яхлитлигига қаратганлар. Таъкидлаш жоизки, мазкур терминнинг турлича талқин этилиши ва тушунилишига қарамасдан фан сифатида унинг барча тадқиқотлари тил ва диннинг ўзаро муносабатларини ёритишга хизмат қилади .

Ўзининг "Теоллингвистика" номли китобида тил ва диннинг ўзаро муносабатларига қўшимча равишда, дин ва халқ оғзаки ижоди билан бевосита боғлиқ бўлган афсона ва асотирларни теоллингвистиканинг ажралмас қисми сифатида қайд этади. Унинг фикрича "Мифологик ва диний онгдаги баъзи фарқларга қарамай, улар орасида маълум умумийликларни кузатиш мумкин. Мифология ва динда дунё ва ундаги барча нарсани бошқариб турадиган мукамал мавжудотнинг борлигига ишонишдир. Бугунги кунда мифологиядан динлардаги худо, руҳ, ўтмишдаги турли қаҳрамонлар, дунёнинг шаклланишида иштирок этган илк аجدодлар, тақвим объектлари ҳақидаги афсоналарнинг жамланмаси бўлса, уларнинг пайдо бўлиш даврида афсоналар диннинг ўзига хос шакли бўлган [7,260с]". Дунёнинг турли географик ҳудудларида макромданиятларнинг шаклланишида динларнинг ривожланиши ва уларга эътиқод қилувчиларнинг қўпайиб бориши асосий омил бўлиб хизмат қилган. Диний таълимотларнинг пайдо бўлишида эса мифологик омилларни устувор деб билган. Бунга мисол тариқасида Ҳиндистон, Непал ва Бирма мамлакатларида расмий мақомга эга бўлган диннинг негизи афсона ва асотирларга таянганлигини кўрсатган. Ваҳоланки, ҳамма динларда ҳам мифологияга асосий манба сифатида қаралмаган. Масалан, ислом динида Қуръони Карим сўзсиз Аллоҳнинг калом сифатида тан олинади ва бу нарсани ақидавий масала ҳисобланади, унинг иккинчи манбаси бўлган ҳадис илмида унинг ишоччилигини (яъни кимдир томонидан тўқиб чиқарилмаганлигига амин бўлиш) аниқлаш мақсадида ривоят қилган инсонлар кетма-кетлиги қатъий текширилишдан ташқари, ўша инсонларнинг ростгўйлигига ҳам эътибор қаратилган.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, теоллингвистик тадқиқотлар олиб борилаётганда изланувчининг иши жараёнида масалага қандай ёндашишида маълум бир диний қараш доминант бўлади. Масалан, исми зикр этилган Жан Пьер Ноппеннинг тадқиқотлари Христианликнинг муқаддас манбаси ҳисобланган Инжилни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этишдан бошланган, Галиева эса масалага умумийроқ ёндашиб мифология масаласига ҳам атрофлича тўхталиб ўтган.

Энди бевосита теоллингвистик тадқиқотлар сирасига кирувчи диний луғатларни тузиш бўйича олиб борилган баъзи ишларга тўхталсак. Ўзбек тилшунослигининг янги тарихида бундай луғатлар етарлича. Бироқ, мамлакатимизнинг собиқ Совет иттифоқи таркибида бўлган даврида ҳам кўплаб диний луғатлар ва тадқиқотлар қилинган бўлса ҳам уларда ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси бўлган атеизмнинг таъсири яққол сезилиб турган ва масалага бир тарафлама, яъни салбий ёндашилган.

Луғат тузиш илмий тадқиқот ишлари орасида энг мураккаб ва ўз навбатида масъулиятли ишлардан ҳисобланади. Айниқса, диний-ижтимоий термин ва ибораларни ўз ичига олган луғатларни тузиш фақатгина филологик билимларни эмас, балки диний билимлардан ҳам етарлича хабардор бўлишни талаб қилади. Мисол тариқасида "Инглизча-ўзбекча диний-ижтимоий истилоҳлар луғати"нинг кириш қисмида "... христианликдаги Исонинг шогирдлари ҳисобланган "апостоллар"ни юнон тилидан ўзбекчага исломдаги Расулulloҳ (с.а.в) атрофидаги мусулмонларга қиёс қилиб "саҳобалар" деб таржима қилиш тўғри бўлмайди. Бу сўз диншуносликка оид манбаларда "ҳаворийлар" деб аталиши қабул қилинган" [2,160b]. Бундай луғатларни тузишда диний билимнинг нақадар муҳимлиги кўриниб турибди.

Ж. Омонтурдиев ва А. Омонтурдиев томонидан тузилган Маърифий-ирфоний истилоҳлар изоҳли луғатининг кириш қисмида, бугунги кунимизда турли манбаларда ишлатиладиган араб, форс ва бошқа тиллардан кириб келган, таржимада ҳам сақланидиган диний характерга эга бўлган истилоҳларни таҳлил қилишда, халққа етказишда муаммоларга дуч келинган. Бундай омиллар эса диний-ирфоний истилоҳлар луғатини тузиш заруриятини келтириб чиқарган [1,252b]. Яна бир эътиборли жиҳати аксарият ўзбек тилида қўлланиладиган диний терминлар араб тилидан кириб келган бўлиб "Маърифий-ирфоний истилоҳлар изоҳли луғати"да арабча талаффузи билан ўз аксини топган. Муаллифларнинг таъкидлашича, сўз маъноларининг бойиб ривожланиб бориши уларнинг кенгроқ ва торроқ маънода қўлланилишига олиб келади, уларни истилоҳ мавқеига кўтаради. Динийлик бу каби луғатларда асосий мезон ҳисоблансада, улар фақатгина диний терминлардан иборат бўлмай, балки маърифий, ижтимоий ва руҳоний сўзларни ҳам ўз ичига олади. Мазкур луғатда шу каби сўз ва терминлардан ташқари баъзи жой ва объект номлари ҳам келтирилган. Одатда, жой номлари термин ҳисобланмаса ҳам бевосита маълум динга эътиқод қилувчи инсонлар учун муқаддас бўлган зиёратгоҳ ва қадамжолар, тасаввуф пирларининг мақбаралари ёки турли динларнинг бош шаҳарлари номлари ҳам луғатлардан жой олишлари мумкин. Демак, диний-маърифий луғат тузувчилар маъно боғлиқлигининг даражасига кўра маълум тоифа сўзлар билан ўз луғатларини бойитиши мумкин бўлади.

Баъзи луғатлар кўпчилик учун мазмун-моҳияти у қадар маълум бўлмаган воқеа ва ҳолатларни ўқувчиларга кенгроқ тушунтириш мақсадида луғат-мақола шаклидаги маълумотларни ўзида мужассам этади, айнан Ж. Омонтурдиев ва А. Омонтурдиев томонидан тузилган луғатда ҳам мазкур анъана ўз аксини топган.

Мухторхон Эшонхўжа Умархўжаев томонидан тузилган [3,220b] диний атамалар ва ибораларга бағишланган қисқача изоҳли луғатининг номидан маълумки, у диний луғат бўлишига қарамай, фақатгина исломий-диний ибора ва сўзларни ўз ичига олган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, баъзи манбаларнинг номида "диний" сўзи ёки унинг муқобиллари келадиган бўлса бунда ҳар доим ҳам барча динлар назарда тутилмайди, балки ўша ернинг аҳолисининг катта қисми эътиқод қилувчи дин назарда тутилади. Фақат бир диннинг терминларини ёритиш учун тузилган луғатлар асосан ўша диннинг муқаддас манбалари, улар асосида ёзилган асарлар ва илмий мақолаларда учраши мумкин бўлган, оддий инсонлар тушунишга қийналадиган сўз ва иборалардан ташкил топади. Муаллифнинг қайд этишича, хорижий тилдан ўзлаштирилган диний терминларнинг имлосидаги фарқлар, уларнинг маъноларига изоҳ беришдаги субъектив омилларни бартараф

этишда бу каби луғатларга ҳам мутахассислар, ҳам аҳолининг бошқа қатлами вакиллари эҳтиёж сезадилар. Бошқа тарафдан, бундай луғатнинг тузилиши ва омма эътиборига ҳавола этилиши грамматик, лексик ва стилистик хусусиятларга эга бўлган диний функционал услубнинг ўзбек тилида мавжуд эканлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, замонавий тилшуносликда теоллингвистика тез суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўп мутахассисларнинг яқдил фикрига кўра теоллингвистиканинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Фақатгина, унинг тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида шаклланиши XX асрнинг охирларига келиб ўз аксини топади. Мазкур терминнинг биринчи бор ишлатилганлигига қарийб 40 йил бўлишига қарамай, ундаги асосий тадқиқотлар асримизнинг бошларидан муҳим касб этиб, шу кунгача ривожланиб келмоқда. Юртимизда ҳам бу борада бир қанча тадқиқотчиларнинг салмоқли ишлари юқорида санаб ўтилди. Ҳозирги кундаги теоллингвистиканинг мезонлари асосида юртимизда етишиб чиққан кўплаб буюк ватандошларимизнинг ишларига назар соладиган бўлсак, Ўзбекистонда тилшуносликнинг бу йўналиши бўйича қилинган ишлар бошқа юртдагиларга нисбатан узоқроқ тарихга эга.

Адабиётлар:

1. Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Маърифий-ирфоний истилоҳлар изоҳли луғатида.; - Тошкент: Mumtoz so'z. 2014. - 252 б.
2. Раҳимжонов Д, Кадиров А, Собиров Д, Мавлонов О, Жураев Ҳ. Инглизча-ўзбекча диний-ижтимоий истилоҳлар луғати. Тошкент: "Movarounnahr", 2011. - 160 б.
3. Умархўжаев М.Э. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. Тошкент: ўафур ўулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. - 220 б.
4. Гадамский А. К. О лакунах в системе лингвистической науки: проблема взаимодействия языка и религии // Культура народов Причерноморья. - №49. - Т. 1. - 2004. - С. 164 - 167.
5. Гадамский А. К. Религиозный язык - теоллингвистика - языкознание.//Ученые записки Таврического национального университета - Филология. Том 20 (59) № 1 - Симферополь: ТНУ, 2007. - с.287 -292.
6. Гдомский А. К. Семантико-прагматические проблемы теоллингвистики// Научный вестник Луганского национального педагогического университета. -№12 (80). - 2004. - С. 33 - 38.
7. Галиева М. Р. Теоллингвистика: истоки, направления, перспективы. - Ташкент: VneshInvestProm, 2018. - 260 с.
8. Постовалова В.И. Теоллингвистика в современном гуманитарном познании: истоки, основные идеи и направления. Научно-педагогический журнал Восточной Сибири Magister Dixit. 2012. №4. 56-103.
9. Ярцева В. Н. Языкознание. Большой энциклопедический словарь. - М.: Большая Российская энциклопедия, 1998.
10. Crystal D. The Cambridge Encyclopedia of Language. - Cambridge Univ. Pr., 1995.
11. van Noppen J.-P. (red.), Theolinguistics (= Studiereeks Tijdschnft VUB, Nieuwe Serie Nr.8). VUB, Brussel 1981, s. 1.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000